



MILLIY TIKLANISH

4 (273) ● 2014 йил 29 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Истиқлол йилларида мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, хунарманд ва оилавий тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманидаги 8-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўқувчиларга янги педагогик технологиялар асосида таълим-тарбия берилмоқда

6 НИГОХ



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси замонавий самолётлар билан таъминланиш, парвозлар хавфсизлиги даражаси, авиация техникасига хизмат кўрсатиш бўйича МДХда энг яхши компаниялардан биридир

7 КЎЗГУ

Спорт ва соғлом оила — соғлом бола ва соғлом жамият асоси

Президентимиз Ислам Каримов раислигида 28 январь куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Давлатимиз раҳбари мазкур Жамғарма фаолият бошлаганидан буён ўтган йилларда эришилган ютуқлар, бу борада амалга оширилган кенг қўллаб-қувватлаш ишларининг аҳамияти ва натижалари хусусида атоқлиқ фикр юритди.

— Ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан мутаносиб ривожлантиришга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилиши ҳар томонлама тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда, - деди Президентимиз. — Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Фарзандларимизнинг ирода-си тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда.

«Соғлом авлодни тарбиялаш - буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир». Президентимиз Ислам Каримов томонидан мустақиллигимизнинг илк йилларида айтилган бу сўзлар мамлакатимизнинг истиқболдаги бош мақсадини, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берган. Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан узоқ истиқболни кўзлаб, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган эзгу ниятни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Истиқлол йилларида бу олиханоб мақсад йўлида миқёси ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун барча зарур шароитлар яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, баркамол авлодни шакллантиришнинг ноёб тизими йўлга қўйилди. Болалар спорт таълим-тарбия соҳасининг узвий қисмига айланди.

2013 йилда болалар спорт объектлари, мусика ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари изчил давом эттирилди. 113 спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 болалар мусика ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўшбу объектларнинг 132 таси қишлоқ жойларда ишга туширилди. Бу мақсадлар учун 210 миллиард 400 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Президентимиз спорт мажмуалари, мусика ва санъат мактабларини ҳар томонлама сифатли қуриш, бунинг учун ихтисослашган пудрат ташкилотларини қўллайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.

Болалар спорт объектларини қуриш ҳеч қачон тўхтамайди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Азиз болаларимиз камол топадиган бу мажмуаларни шундай чиройли ва мустаҳкам этиб қурайликки, бу биздан ўзига хос бир эсдалик, уларга меҳримизнинг ифодаси бўлсин, деди давлатимиз раҳбари.

Барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланаётгани тўғрисида уларнинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бит-

та спорт иншоотидан ўртача кунлик фойдаланиш вақти 9,5 соатни ташкил этмоқда.

— Болалар учун барпо этиладиган ҳар бир иншоотни қалб қўримизни бағишлаб қуришимиз керак. У ерда шуғулланган болалар шундай имкониятлардан мамнун бўлиб, эзгу мақсад ва интилишлар билан яшасин. Зеро, фарзандларимизни хурсанд қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун шароит яратиш бизнинг бурчимиз, - деди Президентимиз.

Болалар спорт объектлари асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 116 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда қизларни спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда, аёл мураббий ва ўқитувчиларни тайёрлашга кенг ўрин берилаётди.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида ўқувчи қизларга спорт кийимлари топширилмоқда. Бу қизлар ўртасида спортнинг янада оммалаштириш, уларнинг соғлом, бақувват ва дуркун бўлиб улғайишида муҳим омил бўлмоқда. Бугун юртимизда 842 минг нафарга яқин қизлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Давлатимиз раҳбари қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб қилиш зарурлигини, бунинг учун маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллигини ошириш, оилалар билан доимий ишлашни янада кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Оила қачон бахтли бўлади? Аёл бахтли бўлса! Аёл қачон бахтли бўлади? Фарзандлари соғсаломат бўлса! Бунинг учун оилада соғлом муҳит шаклланиши, аввало, ота-она спорт билан шуғулланиши керак, деди Ислам Каримов.

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида жойларда ташкил этилаётган турли спорт мусобақалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшлар орасида спортга қизиқиш, соғлом бўлишга интилиш кучайиб бормоқда.

Уч босқичли спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

2013 йилда ҳам мамлакатимиз спортида улкан муваффақиятларга эришилди. Пойтахтимизда ўсмирлар ва қизлар ўртасида оғир атлетика бўйича IV жаҳон чемпионати, дзюдо бўйича Гран-при туркумидаги халқаро мусобақа, бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати юксак савияда ўтказилди.

Олти ёшли шахматчиси Исламбек Синдоров Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида учта олтин медални қўлга киритди. Нафиса Мўминова ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди.

Оғир атлетикачи Руслан Нурудинов Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида, дзюдочимиз Яхё Имомов Францияда ўтган «Катта дубулға» туркумидаги халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади.

2-бет



Партия фаолияти

Устувор вазифаларимиз рўёби

имкониятлардан самарали фойдаланишни талаб этади

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг "Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ЎзМТДП олдида турган устувор вазифалар" мавзусида йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган энг муҳим устувор йўна-

лишларидан келиб чиқиб, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда партия олдида турган муҳим вазифалар ҳамда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг 2014 йил қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятининг асосий йўналишлари муҳокама этилди.

2-бет

Муносабат

Ютуқлардан ғурурланиб

келгусидаги саъй-ҳаракатларимизни янги босқичга кўтаришда барча имкониятларни сафарбар этамиз

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси барча соҳа вакиллари қаторида партиямиз фаоллари ва электратимиз томонидан ҳам қизғин муҳокама этилмоқда, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларида қўқур ўрганилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

* * *

Сарвар ОТАМУРАТОВ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:

— Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривож-


лантириш ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида Ўзбекистон кундан-кун эришаётган улкан муваффақиятлари замирида «ўзбек модели» дея эътироф этилган ривожланишнинг беш тамойили устувор аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ўтган йилда ҳам мамлакатимизда демократик тараққиётни таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги ислохотлар изчиллиги таъминланди. Айниқса, бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий соҳада эришаётган ютуқлари халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, экспортни рағбатланти-

риш ва маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тизимли амалга оширилиши экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхона жалб этиш имконини берди. Жаҳон бозоридаги нархлар конъюктурасининг беқарорлигига қарамайдан, 2013 йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоизни ташкил этди. Айни пайтда Маҳаллий-лаштириш дастурини кенгайтиришга доир қўрилган чора-тадбирлар натижасида импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5,3 миллиард АҚШ долларини, ташқи давлат қарзи яппи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни ташкил этди.

3-бет



“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Спорт ва соғлом оила — соғлом бола ва соғлом жамият асоси

Президентимиз Ислом Каримов раислигида 28 январь куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрдаги фармониға мувофиқ Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ истеъдодли ёшлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Бу йил “Баркамол авлод” мусобақаларининг финал босқичи Наманган вилоятида ўтказилди. Шу муносабат билан бу ерда бир қатор янги спорт мажмуалари қурилмоқда, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

— 2014 йилни мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилдик. Бу масалага янгича қарашни, масъулиятни янада оширишни талаб этади. Бу ҳақда сўз борганда, халқимиз қалбидан чуқур жой олган, эзгу давлатга айланиб бораётган бир шиорни эслаш ўринли, деб биламан. Ўрни, соғлом бола — аввало соғлом ва ақил оиланинг мевасидир. Спорт ана шундай оилаларни шакллантирадиган энг яхши воситалардан биридир. Спорт билан шуғулланган йигит-қизлар соғлом ва бақувват, фикри тиниқ бўлади. Келгусида фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Бундай оилалар кўпайса, бутун жамиятимизнинг соғлом муҳити янада мустаҳкамланади, - деди Президентимиз.

Мажлисда Ҳомийлик кенгашининг 2013 йил 15 март куни бўлиб ўтган йиғилишида белгиланган вазифаларнинг ижроси атрофлича таҳлил этилди. Спорт иншоотлари ва сузиш хавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни зарур спорт анжомлари ва инвентарлари билан жиҳозлаш, спорт мажмуаларидан фойдаланиш самарадорли-

гини ошириш, малакали мураббийлар, айниқса, аёл спорт устозларини тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишларга эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган спорт анжомларининг турини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш, шу соҳада фаолият олиб бораётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда 2014 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўриб чиқилди. 115 спорт объекти ва 48 болалар мусика ва санъат мактабларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, уларни зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш бўйича устувор вазифалар белгилан олindi. Бу борада йўл қўйилаётган айрим камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик ишлари ҳам кўриб чиқилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бугун бошқаларнинг ҳавасини тортаётган ташкилотга айланган бир чамизга мамнуният бағишлайди. Бу ҳаракат самараларидан баҳраманд бўлаётган болалар ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етмоқда. Бу халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмагани, ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигининг яна бир ҳаётий тасдиғидир, деди пировардига Президентимиз.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазир Р.Азимова, Бош вазир ўринбосарлари Э.Боситхонова, Б.З.киров, А.Икромов, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти М.Усмонов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Йиғилишда қурилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Анвар САМАДОВ, ЎЗА мухбири

“Ўзбектуризм” халқаро сайёҳлик ярмаркасида

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмаси изчил ривожланмоқда. Бу борада яратилаётган шароит ва имкониятлар турли халқаро кўرғазмалар орқали бутун дунёга кенг тарғиб этилмоқда.

Мамлакатимизнинг туризм салоҳияти жорий йилнинг 22-26 январь кунлари Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган “FITUR — 2014” халқаро сайёҳлик кўрғазмасида яна бир бор намойиш этилди.

Ушбу кўрғазма дунёдаги энг йирик халқаро туризм анжуманларидан бири бўлиб, бу гал унда 165 мамлакатдан ўн мингга яқин сайёҳлик фирма ва компаниялари, соҳа мутахассислари иштирок этди. Кўрғазмага икки юз мингдан зиёд одам ташриф буюрди.

Ўзбекистон мазкур халқаро сайёҳлик кўрғазмасида бир неча йилдан буён фаол қатнашиб келмоқда. Бу галги анжуманда “Ўзбектуризм” миллий компанияси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик темир йўл компанияси, мамлакатимизнинг қатор сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Кўрғазмада Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Хива каби қадимий шаҳарларимизнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обида ва

меъморий ёдгорликлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган рангбаранг альбомлар, буклет ва брошюралар тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Ватанимизнинг бетакрор табиати, ноёб тарихий обидалари акс эттирилган, ёрқин миллий матоларимиз билан безатилган Ўзбекистон миллий стенди кўрғазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ўзбек миллий таомлари ва ширинликлари йиғилганларга манзур бўлди.

“Ўзбектуризм” миллий компаниясидан маълум қилишларича, Мадридда Ўзбекистон делегацияси аъзолари қатор халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказган. Хусусан, “Ўзбектуризм” миллий компанияси раиси Фаррух Ризаев Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Талей Рифаи билан учрашган. Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, жорий йилнинг октябрь ойида Самарқанд шаҳрида ЮНВТО Ижроия кенгашининг 99-сессиясини ўтказишга оид масалалар муҳокама қилинган.

Ушбу кўрғазма мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини тарғиб этиш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, жаҳон туризм бозорини қатор сайёҳлик фирма ва компаниялар билан танишиш, юртимизга келаётган хорижий сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилади.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири

Партия фаолияти

Устувор вазифаларимиз рўёби

имкониятлардан самарали фойдаланишни талаб этади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди. — Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси барча соҳа вакиллари қаторида партиямиз фаоллари ва электоратимиз ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари томонидан қизгин муҳокама қилинмоқда.

Маърузада Юртбошимиз томонидан 2013 йил иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръатлари кузатиш ва бу мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи янада мустаҳкамлаганидан далолатлиги аниқ маълумотлар орқали таҳлил этиб берилди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, Президентимизнинг мазкур маърузаси Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллиғига бағишланган тантанали маросимдаги маърузанинг мантиқий давоми, десак муболага бўлмайди. Боиси ҳар иккала дастуриламал маърузаларда мамлакатимизнинг истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқлари, ортда қолган йилда эришилган натижалар ва жорий йилги вазифалар ўз аксини топди. Хўш, айна пайтда партиямиз замон талаблари даражасида фаолият олиб бораётими? Мавжуд имкониятлардан фойдалана олаямизми? Бугунги замон ҳар биримиздан партиямиз ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларга қай даражада эриша олди, унинг гоё ва мақсадлари аҳоли ўртасида қандай тарғиб қилинди, партиянинг аҳоли орасидаги нуфузи қандай, аъзолар ва хайрихоҳлар сони ортдими, деган саволларга жавоб топишни тақозо этмоқда. Бу жараёнда ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтариш, депутатлик бирлашмалари ташаббускорлигини ошириш, кадрлар потенциалини кучайтириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва партия хайрихоҳлари сафини кенгайтиришнинг энг таъсирчан усулларини излаб топиш жорий йилги амалий ишларимизнинг мезонига айланмоғи лозим.

Йиғилишда эътироф этилганидек, давлатимиз томонидан олиб борилаётган чуқур ўйланган, тизимли ислохотлар самарасида миллий иқтисодиётимиз сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши ҳамда Ўзбекистон манфаатларини кўзлаган ташқи иқтисодий стратегияни жадал амалга оширишда Президентимиз маърузаси муҳим аҳамият касб этади. Партиямиз



2014 йилда сайловолди Платформасида белгиланган истеъмол товарлари ва хизматлари соҳасида миллий брендларнинг юзага келиши, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозорларига олиб чиқиш бўйича тизимли, аниқ мақсадга йўналтирилган чораларни қабул қилиш, халқаро саҳнада “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” брендини илгари суриш каби устувор вазифаларни амалга оширишга интилади. Шу билан бирга, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларни янада такомиллаштириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хунармандчиликнинг барча турлари, хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш ва бу борадаги қонунчилик ташаббусларини илгари суриш ЎзМТДП ҳамда партиянинг парламентдаги фракциясининг долзарб вазифаси бўлиб қолади.

Йиғилишда партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг 2014 йил қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини асосий йўналишлари тўғрисида ҳам маълумотлар берилди. ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиевнинг таъкидлашича, бугун фракцияларнинг ўз нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда билдирган таклиф-мулоҳазаларини инobatга олмасдан бирорта қонун қабул қилинмайди. Бу эса ҳар бир сиёсий партиянинг ўз дастурий мақсадини дадил кўтариб чиқишига имкон яратмоқда. Жорий йилда ҳам фракциямиз томонидан партия дастурий мақсад ва вазифалари билан ҳамоҳанг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, нотик сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш юзасидан парламент назорати ва парламент сўрови институтларидан самарали фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Бу борада фракциянинг маҳаллий кенгаш депутатлари билан самарали ҳамкорлигини янада кучайтириш, амалдаги қонунларнинг ижросини таъминлашга, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишга



қаратилган фаолиятини янада кучайтириш лозимлигини алоҳида эътироф этди.

Йиғилишда «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотларнинг давоми бўлиб, ёшларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишишига бўлган эътибор экани таъкидланди. ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари Президентимиз маърузасида таъкидланган масалалар ижросини таъминлашга

қўмаклашиш мақсадида алоҳида чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ва уни амалга ошириш учун барча имкониятларни ишга солишга чақирилди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси 2014 йилги фаолиятида сиёсий партияларга, парламентга берилган ваколатлардан самарали фойдаланишни амалга ошириш лозимлиги қайд этилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан конструктив фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инobatга олган ҳолда ЎзМТДПнинг устувор вазифалари белгиланди.

Абдурашид ТҲҲАБОВЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Президентимизнинг маърузасидан келиб чиқиб партиямиз ва унинг парламентдаги фракцияси олдида турган устувор йўналишларга бағишланган йиғилиш танқидий-таҳлил ва эркин фикр-мулоҳазалар остида ўтди. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари маърузасида 2013 йилда мамлакатимизнинг эришган натижалари аниқ рақамлар билан таҳлил этиб берилди. Мазкур ютуқ ва кўрсаткичлар замирида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамлик, сиёсий барқарорлик мужассам. Шунингдек, маърузада таълим жараёнини ислоҳ этиш масаласига алоҳида ургу берилди. Электратимиз вакиллари саналган таълим соҳаси ходимлари манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳага янада жиддий эътибор қаратилишига қўмаклашиш ва соҳа ривожига қаратилган қонунчилик ташаббусларини илгари суриш 2014 йилдаги асосий вазифаларимиздан бири бўлиши лозим.

Дилбар РАШИДОВА, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлими бошлиғи:

— Бугунги йиғилиш Президентимизнинг бир-бири билан мазмунан ҳамоҳанг ҳар иккала маърузасини ҳам янада чуқурроқ англаш имконини берди. Шунингдек, жорий йилда партиямиз ва унинг парламентдаги фракцияси олдида турган устувор вазифалар аниқ белгиланди. Жумладан, белгиланган устувор йўналишларни амалга оширишда барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларида фаоллик талаб этилиши, жойларда электратимиз вакиллари, айниқса, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан яқиндан ишлаш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, ташкил этилаётган тарғибот тадбирларида факат ЎзМТДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш билан чегараланиб қолмасдан, уни бошқа партиялар сайловолди Ҳаракат дастури билан таққослаш, фаркли жиҳатларини тарғиб қилиш ишларини мунтазам олиб бориш лозимлиги қайд этилди. Бу эса аҳолида ҳар бир партияга нисбатан аниқ муносабатнинг шаклланиши ва сайловлар жараёнида фуқароларнинг хоҳиш-иродаси тўла таъминланиб, уларнинг ўзлари хайрихоҳ бўлган партия вакилига овоз беришларига имкон беради.

Шоҳида ДАМАНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Аёллар қаноти

ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифалари

тарғиботида “Аёллар қаноти” фаол иштирок этишга интилоқда

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оила ва жамиятдаги маъқеини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар замирида оила муҳитида янгича фикрлаш ва яшаш, порлоқ келажакни қуриш ва, албатта, ҳамжиҳатлик каби эзгу ният мужассам. Зеро, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, обод ва осойишта турмуш гоёсини қўллаб-қувватлаётган хотин-қизлар — бу ҳамжиҳатликнинг асосий тимсоли ва фаоллидир.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги

амалий ишлар аёлларга кўрсатилаётган ғамҳўрликнинг ёрқин ифодасидир. Айниқса, жорий йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши азалий қадриятларимиздан бўлган оилаларнинг муқаддаслигини таъминлаб, соғлом ва баркамол фарзанд тарбиясига масъул хотин-қизларнинг давлат ва жамият барқарорлиги, юрт тараққиётини юксалтиришдаги ўрнига яна бир бор юксак эътибор бўлди, десак муболага бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши “Аёллар қано-

ти” ҳам партия Дастурида назарда тутилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, шунингдек, юксак билим ва малакага эга бўлган аёлларнинг ҳуқуқий ва сиёсий ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни пайтда вилоятда 11 минг 840 нафар партия аъзоси бўлиб, уларнинг 5 минг 616 нафарини, яъни 47 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда партиямиз сафларида миллий хунармандчилик билан шуғулланаётган қўли гул хунарманд аёллар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, партия вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирлар жараёнида хунарманд аёлларнинг қўл меҳнати билан яратилган халқимиз анъаналарини ўзида акс эттирувчи миллий либослар ҳамда

уй шароитида тайёрланган миллий хунармандчилик, касаначилик маҳсулотлари кўрғазмалари ташкил этилмоқда.

ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда уй шароитида миллий хунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларга муносиб шароит яратиб беришга қўмаклашиш, уларнинг қобилиятларини юзага чиқариш, ҳуқуқий-сиёсий билимларини янада ошириш, фаолиятларини кенг оммага таништириш, бандлик масаласига қўмаклашиш каби долзарб вазифалар ижроси йўлида изчил фаолият олиб боришга интилаяпмиз.

Зотан “Аёллар қаноти”нинг бугунги кундаги интилиши, мақсад ва гоёлари вилоятимиз хотин-қизларининг нафақат жамиятдаги ўрнини белгилаш, балки уларнинг сиёсий жараёнларда фаол, етакчи кучга айланишга қаратилмоғи лозим.

Шаҳноза РАСУЛОВА, ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” етакчиси

Фракция ҳаёти



Қонун лойиҳалари

депутатлар муҳокамасида

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ййгилишида қўйи палата мажлиси муҳокамасига киритилиши режалаштирилган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Фракция аъзолари дастлаб иккинчи ўқишга тайёрланган «Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш янада мустаҳкамланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди. Эътироф этилганидек, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда миллий қонунчилик ҳамда тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солувчи хорижий тажриба атрофлича ўрганилиб, чуқур таҳлил қилинди. Унда тадбиркорлик субъектлари учун янада кенгроқ эркинликлар бериш мақсадида, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал кодекслари ҳамда «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»-ги, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»-ги, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»-ги қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Мухтасар айтганда, ушбу қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, бу соҳадаги ишларнинг судлар томонидан сифатли ва ортиқча сансалорликларсиз қўриб чиқилишига эришиш мақсадларига хизмат қилади.

Муҳокама чоғида сўз олган фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида кўзда тутилган устувор вазифалар, хусусан, партия электорати бўлимиш хунармандлар,

оилавий тадбиркорлар, касаначилар, сервис соҳаси ва туризм йўналишида фаолият олиб бораётган ишбилармонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қўмаклашишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди. Билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлардан сўнг ушбу қонун лойиҳасини фракция аъзолари иккинчи ўқишда қўллаб-қувватлашди.

Ййгилиш кун тартибидаги навбатдаги масала — «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди. Фракция ййгилишида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Мазкур қонун лойиҳасининг мақсади — «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»-ги Қонуннинг тегишли моддаларига мувофиқлаштириш учун амалдаги бир қатор қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритишдан иборатдир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлашди.

Депутатлар фракция ййгилишида «Нотариат тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгариш киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилишди. Лойиҳада таклиф этилаётган ўзгариш ва қўшимча нотариус лавозимига кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириш ва нотариат соҳасини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида судьялик лавозимида камида беш йил ёки нотариат соҳасида раҳбарлиқни амалга оширувчи ва назорат қилувчи лавозимларда камида уч йил ишлаган шахслар учун стажировка муддатини бир йилга ҳамда нотариуслар томонидан беш йилда мажбурий малака ошириш даврийлигини уч йилга қисқартириш назарда тутилмоқда. Фракция аъзолари ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириб, ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўллаб-қувватлашди.

Ййгилишда фракция аъзолари яна бир қатор қонун лойиҳаларини қўриб чиқишди ва муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Депутат минбари

Мамлакатимизда амалга ошириляётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимига қаратилган муқобил таклиф ва ташаббусларни илгари суриш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсий партиялар олдида турган долзарб вазифалар сирасига киради. Мазкур вазифаларни амалга оширишда эса партиядан сайланган депутатларнинг ташаббускорлиги ва фаоллиги муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-ғоялари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, сайловчиларни ўйлантираётган муаммоларни қонун йўли билан ҳал этишда депутатлик гуруҳларининг ўрни ва роли беқуббат. Шу нуктаи назардан ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳам мамлакатимизда инсон омили, унинг манфаатлари, муносиб турмуш тарзи устуворлик касб этаётган айна пайтда замон билан ҳамнафас қадам ташлаб, ўз сайловчиларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартараф этишга ҳаракат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Конституция қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишлан-

ган тантанали маросимдаги маърузасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аник устувор йўналишларини белгилаб олиш ҳамда мамлакатни ислох этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрнини кучайтириш масаласи алоҳида таъкидланди. Шу нуктаи назардан партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари, фаоллари ҳамда депутатлик бирлашмалари маърузадан келиб чиқиб, ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилган ҳолда юқори поғонага кўтаришлари талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ўтган йил давомида партия дастурий мақсадлари, "Обод тур-

Депутатлик бирлашмалари

Электорат манфаати

Депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш

жамият ва электорат манфаатларига хизмат қилади

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик жамият қуришининг муҳим шарти - кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва сиёсий партияларнинг ўз олдида қўйган мақсад-вазифаларини амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий база ҳамда кенг имкониятлар яратилди. Шубҳасиз, кўппартиявийлик тизимига оид қонунчилик асосларини маромига етказиш, жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларида партиялараро рақобат муҳитини кучайтириш ҳамда кенгайтириш бу борадаги эзгу мақсадлар рўйбининг муҳим ва зарур шартидир.

Мамлакатимизда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»-ги Конституциявий қонун, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг қабул қилиниши парламентаризм ва вакиллик органлари ҳамда сиёсий партиялар фаолияти ривожини тарихан янги босқичга кўтарди. Айниқса, Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш - ёрқ келажигимизнинг асосий омилдир» номли маърузасида сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан янгилаш, ваколат ва имкониятлари ҳамда масъулиятини янада ошириш, шунингдек, мамлакатимиз сиёсий тизимини ислох ва модернизация қилиш юзасидан билдирган фикрлари муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, мамлакатимизда «Сиёсий партиялар тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимча киритиш ҳақида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳларини ташкил этиш тартиби ва фаолиятини тугатиш шартлари, шунингдек, сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишдаги роли ва ўрни етарли даражада белгилаб берилди. Бундан ташқари ушбу қонун партия депутат-

лик гуруҳларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазифалар ижросини таъминлашдаги иштироки ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз фаолиятларини бажаришдаги масъулиятни янада оширилишига хизмат қилмоқда. Чунки қонуннинг асосий мақсади маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия депутатлик гуруҳларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтириш, улар фаолиятини ташкил қилишнинг янада самарали усулларини топишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ЎзМТДП Марказий Кенгашининг XI Пленумида партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, депутатлик гуруҳлари олдида бир қатор устувор вазифалар қўйилди.

Биринчидан, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари ҳудудларда амалга ошириляётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнидан хабардор бўлиб, электоратимизни ўйлантираётган масалалар юзасидан доимий равишда мониторинг олиб боришлари ҳамда маҳаллий Кенгашлар сессияларида ташаббус билан қичиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришиш.

Иккинчидан, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан партия дастурий ғоямақсадлари ва сайловолди Плат-

лат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сарфарбар этиш Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг устувор вазифаларидан саналади. Ушбу дастурий мақсадлар ижросини таъминлашда депутатлик гуруҳлари фаоллиги муҳим аҳамиятга эга.

2013 йилда ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари фаолиятида ўтган йилларга нисбатан ижобий силжиш кузатилади. Бу борада депутатлар фаолияти билан боғлиқ айрим қиёсий рақамларни таҳлил қилсак.

2012 йилда ҳалқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДПдан сайланган депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан 178 та депутатлик сўровлари, шу жумладан, 12 та қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси бўйича депутатлик назорати амалга оширилган бўлса, 2013 йилда 351 та депутатлик сўровлари, шу жумладан, 26 та қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси бўйича депутатлик назорати амалга оширилган.

2012 йилда ҳалқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан 28 нафар мансабдор шахснинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ҳисоботи тингланган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 73 нафарни ташкил этди.

- **Концепция парламентаризм ва вакиллик органлари ҳамда сиёсий партиялар фаолияти ривожини тарихан янги босқичга кўтарди**
- **2013 йилда 351 та депутатлик сўровлари, шу жумладан, 26 та қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси бўйича депутатлик назорати амалга оширилди**
- **73 нафар мансабдор шахсларнинг ҳисоботи тингланди**
- **Доимий комиссиялар ййгилишларига 105 та таклиф олиб чиқилди**
- **ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари томонидан маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига 37 та масала қўйилди**

формасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ташаббускорлиқни кучайтириш, учинчидан, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари билан партиямизнинг ҳудудий ва маҳаллий ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлиқни янада кучайтириш ҳамда мустаҳкамлаш зарурлиги белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини, бой тарихий меросини асраб-авайлаш ҳамда бойитиш, миллий тикланиш ғояси асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик дав-

лат гуруҳлари аъзолари томонидан ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар ййгилишларига 52 та, 2013 йилда эса 105 та таклиф олиб чиқилган. Мазкур таклифлар бўйича ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг тегишли қарорлари қабул қилинган.

ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари томонидан электорат манфаатлари, партиянинг дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»-ги, «Худудда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш тўғрисида»-ги, «Худудда туризмни ривожлантириш

тўғрисида»-ги, «Аҳолини репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари ҳақида»-ги масалалар ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига киритилди. Бундан ташқари партия Марказий Кенгаши томонидан депутатлик гуруҳлари ишини тубдан кучайтириш мақсадида ҳамда электорат манфаатлари ва партиямиз ғояларидан келиб чиқиб «**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида тузилган партия депутатлик гуруҳлари томонидан сессия кун тартибига киритилиши мумкин бўлган масалалар Концепцияси**» ишлаб чиқилди. Унда белгиланган масалаларнинг ҳудудлардаги аҳолининг ўрганиш ва ҳудудий Кенгаш сессияси кун тартибига ташаббус-масала сифатида олиб чиқиш таъсия қилинди. Ушбу масалаларни жорий 2014 йилда ҳам барча ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида муҳокама қилинишига эришиш партия депутатлик гуруҳларининг масъулиятини оширади.

2012 йилда ҳалқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари томонидан ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига 24 та масала олиб чиқилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 37 тани ташкил этди.

Юқорида келтирилган рақамлар ҳалқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП

ташаббускорлигини, ижро ҳокимияти органларининг жойларда қонунлар ва давлат дастурларининг бажарилиши устидан депутатлик назоратини амалга оширишдаги ўрни ва роли ошиб бораётганини кўрсатади. Жорий 2014 йилда депутатларимиздан партия сайловолди Платформасидаги мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташаббускорлик, фаоллиқни янада кучайтиришлари талаб этилади.

Бехзод СОДИҚОВ,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девоний етакчи мутахассиси

лик ҳиссини тарбиялаш борасида изчил, тизимли иш олиб бориш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қўмаклашиш каби мақсад-вазифаларнинг амалдаги ижросига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, пойтахтимизда амалга ошириляётган ислохотларга муносиб ҳисса қўлиш мақсадида ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва Яккасарой туман Кенгашлари, ҳокимлик ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор ишлар амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда ҳудудда спортни янада ривожлантириш мақсадида суний қопламали футбол майдонлари, 25х12 ўлчамдаги сузиш ҳавзаси ҳамда туман инфратузилмасини ривожлантириш йўлида замонавий қўринишдаги қўп қаватли автомобилотураргоҳлар барпо этиш юзасидан таклифлар қўриб чиқилмоқда. Юртимиз гўшаларини обод этиш мақсадида қаратилган мазкур амалий ишларда партия депутатлик гуруҳимиз ҳам фаол иштирок этишга интилади.

Шерзод ТОШМАТОВ,
ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзоси,
Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал Муайтай ассоциацияси раиси

Юрт равнақи учун масъулмиз

бунда ўз ваколатларимиздан унумли фойдалансак, аини муддао бўлади

муш йили" Давлат дастури ва депутатлик ваколатларидан келиб чиққан ҳолда электорат манфаатларини таъминлаш, ҳудуд аҳолисини ўйлантираётган айрим муаммоларни бартараф этиш борасида муайян ишларни амалга оширди. Хусусан, ҳалқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияларига олиб чиқилган ташаббус-масалаларнинг 4 таси атрофлича ўрганилиб, улар юзасидан қарор қабул қилинди. Жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳрида ижро этилишини ўрганиш натижалари тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воғга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури

тўғрисида"ги қарорларининг Тошкент шаҳридаги ижроси юзасидан сессияга олиб чиқилган ташаббус-масалалар муҳим ўрин тутди.

Депутатлик гуруҳимиз аъзолари электоратни ўйлантираётган айрим муаммоларни бартараф этиш, фуқаролар мурожаатларини ҳал қилишда маҳаллий давлат органлари, тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб боришди. Хусусан, аҳолининг коммунал хизмат кўрсатиш тармоқлари юзасидан қилган мурожаатлари Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси, шаҳар электр тармоқлари корхонаси, шаҳар газ филиали, "Сувсоз" давлат унитар корхоналарига депутатлик сўровлари киритиш натижасида ижобий ҳал қилинди. Мазкур жараёнларда депутатлик гуруҳимиз аъзолари томонидан турли ташкилот ва корхоналарга 70 га яқин депутатлик сўровлар киритилган. Фуқаролардан келган мурожаатларнинг 60 га яқини ижобий ечим топди. Бундан ташқари шаҳарнинг ижти-

моий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга қўмаклашиш мақсадида ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан 9 мартаба турли соҳа ва йўналишлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари тингланди. Уларнинг камчиликлари, эътиборидан четда қолаётган масалалар хусусида тегишли кўрсатма ва таклифлар киритилди.

Жорий йилда, аввало, «Соғлом бола йили» Давлат дастуридаги вазифаларни амалга оширишга, бунда партиявий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ёндашишга эътибор қаратамиз. Жумладан, қабул қилинажак давлат Дастурининг йўналишларида соғлом болани воғга етказишда спортнинг ўрни ва аҳамияти юксак эканлигини ҳисобга олиб, мазкур соҳани ривожлантиришга, ёшлар ўртасида спортни кенг тарғиб қилиш белгилаб қўйилган. Бу, ўз навбатида, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, спорт соҳасини ривожлантиришга қўмаклашиш каби дастурий вазифаларнинг амалдаги ижросини таъ-

Муносабат

ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

мамнуният, рағбат ва масъулият демакдир

Президентимиз томонидан кейинги 1,5 ой ичида халқимиз эътиборига ҳавола этилган 2 та дастуриламал маъруза ва 2 та катта байрам табри-ги кенг жамоатчилигимизда улкан таассурот қолдирди. Булар — давлати-миз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағиш-ланган тантанали маросимдаги ва 2013 йил якуллари ва 2014 йилги иқти-содий дастурининг энг муҳим устувор вазифалари муҳокамасига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузалари, шунингдек, Янги йил ва Ўзбекистон Республикаси Қурулиш Кучлари ташкил этилганининг 22 йилли-ги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриклари-дир.

Бу устувор ҳужжатларда гурур-ифтихор билан эътироф этилганидек, кейинги даврда жа-ҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари секин-лашганига ва унинг ривожланишида хатарлар кучайганига қарамай, 2013 йилги Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносиб-ликка эришиш ҳамда модернизация ва дивер-сификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланди.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз янги ички маҳсулоти ўтган йили 8 фоизга, янги ички маҳсулот таркибида хизматлар улуши 53 фоизга, экспорт ҳажми эса 10,9 фоизга ўсди. Шу уч рақамдан биринчиси — юртимиз иқтисодиётининг юксак ва барқарор ўсаётганини кўрсатади, иккинчиси — иқтисоди-ётимиз таркиб ва сифат жиҳатидан замонавий давлатлар даражасига етиб олаётганини бил-диради, учинчи рақам, ўз-ўзидан, миллий иқти-содиётимизнинг дунё бозоридagi рақобатдош-лиги кучайиб бораётганини исботлаб турибди. Шунга таъкидлаш керакки, бундай ўсиш фа-қат 2013 йилгигина хос бўлиб қолмай, муста-қиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг 4,1 баробар ўсишига эришилди. Мамла-катимиз аҳолиси айни шу даврда қарийб 9,7 миллион нафарга кўпайиб, бугунги кунда 30 миллион 500 мингга яқин кишига етгани ҳолда, аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш 3 баробардан зиёдни ташкил этмоқда.

Жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъ-сирига қарамайдан, ҳалқимизнинг ҳаёт дара-жаси тобора ўсиб бораётди. Кейинги 23 йилда аҳолининг реал янги даромадлари жон бошига 8,2 баробар ошгани бунга ақлол тасдиқлайди.

Бу ҳақда сўз борганда, ўтган йил билан боғлиқ айрим рақамларга тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, 2013 йилда ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар бюджет умумий ҳаражатларининг 60 фоизини ташкил этган бўлиб, бу 2012 йилга нисбатан 1 трил-лион сўмга кўп, дегандир. Биргина “Обод турмуш йили” давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижроси доирасида барча ман-балар ҳисобидан 6 триллион 930 миллиард сўм ҳамда 471 миллион доллардан ортиқ маб-лағ сарфланган.

Бундай самарали ижтимоий-иқтисодий сиё-сат ўз-натияжаларини бермоқда, албатта. Хозирги кунда юртимиздаги ҳар учта оиланинг биттиси-да шахсий энгил автомобил мавжуд, ҳар 100 та оилга ўртача 146 та телевизор тўғри кел-моқда. Ҳар бир оилда ўртача 3 та уяли теле-фон бор. Интернет абонентлари сони 2012 йилга нисбатан 18,3 фоизга ўсиб, 2013 йилда 7 миллион 100 минг нафарга етган.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ислохотлар — инсон учун” бўлгани каби, ра-қамлар ҳам инсон учун, инсоннинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари нечоғли пухта ва тўла таъминланганини кўрсатиш учун хизмат қи-ладиган мезонлардан ҳисобланади. Шу маънода, юқорида келтириб ўтилган ушбу рақамлар кей-инги йилларда халқимизнинг нафқат турмуш даражаси ошиб, аввало, ҳаётимиз сифати то-бора юксалиб бораётганидан далолатдир.

Ўтган йили ташки давлат қарзи янги ички маҳсулотида нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳаж-мига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу, авваламбор, хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чукур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижа-сидир, деди Президентимиз. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон истиқлолнинг энг оғир, мураккаб ва изтиробили йил йилларида ҳам тиланчилик қилмади, ҳаммадан ёрдам сўраб элинмади, чор тарафга қўл чўзиб бормади. Халқимиз ўз қад-рини билди, ўз куч ва салоҳиятига ишонди. Шу боис, юртимизга четдан сармоя ва инвестиция-лар кириб келиши учун қулай шароит ва имтиёз-лар яратиб йўлни танлади.

Бугунги кунда хорижий мамлакатлар фир-ма ва компаниялари, халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларга жалб этиладиган инвестиция ва сармоялар учун дав-латимиз томонидан қафолат берилмоқда.

Бундай оқилона чора-тадбирларнинг самар-аси иқтисодий ҳамкорлик натижаларида ёрқин намоян бўлмоқда. Биргина мисол: ўтган йили ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми эквива-лентда 13,0 миллиард доллар, хорижий инвес-тициялар ҳажми эса 3,0 миллиард доллардан ортиқ бўлди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Қисқача айтганда, аввалбошда эл-юртимиз-нинг ўз-ўзига бўлган қатъий ишончи эндиликда бизга — Ўзбекистон давлатига ва халқига дунё аҳлининг мустаҳкам ишончи бўлиб қайтмоқда.

БАНДЛИК ВА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Мамлакатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида турли даражадаги раҳбарлар ва жамоатчилик эътиборини қайта-қайта жалб этиб келаётган — ҳам иқтисодий ўсиш, ҳам ижтимоий ҳимоя нуктаи назаридан баб-баравар муҳим аҳамият касб этадиган яна бир долзарб масала борки, бу ҳам бўлса, бандлик муаммосидир. Бу ҳақда гап борганда, ўтган йили касб-хунар коллеж-ларини битирган 500 мингдан зиёд йигит-қизлар ишга жойлаштирилгани энг катта юг-ларимиздан эканини алоҳида қайд этиш мақ-садга мувофиқдир.

Умуман олганда, 2013 йилда 970 минг на-фарга яқин киши ишга жойлаштирилган бўлиб, улардан 60,3 фоиздан ортиги қишлоқ жойлар-да яшайдиган юртдошларимиз ҳисобланади.

Аҳолини иш билан таъминлашда кичик бизнес катта роль ўйнамоқда. Хусусан, ўтган йили кич-корхоналар, микрофирмалар ва яқка тар-тибдаги тадбиркорлиқни ривожлантириш эва-зига 480 мингдан ортиқ, қасаначилиқни кенгай-тириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилгани диққатга лойикдир.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, хозир-да мамлакатимиз янги ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айни шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсат-кич 31 фоиздан иборат бўлган. Энг муҳими, кичик бизнес иқтисодиётдаги янгиликларни тез қабул қилади ва бозор талабларига мослашиб, тез ўзгара олиш имкониятига эга.

Шу жиҳатдан, 2014 йилги иқтисодий дас-турунинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари сифатида жорий йилда юрти-мизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳити-ни янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришни ҳар томон-лама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш зарурлиги алоҳида белгилаб қўйилди. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш йўналишида ҳам катта натижаларга эришиш имконини тугдиради.

Президентимиз ижтимоий-сиёсий ва иқти-содий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишлар-ини белгиллаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш зарурлигига ҳам ало-ҳида эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “кўп партияли тизим-ни мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш — биз кўзлаган демократик давлат барпо этишининг энг муҳим шартларидан бири-га айланиши даркор”.

Бу ҳақда сўз борар экан, “Миллий тикланиш” демократик партиясининг фаоллари ҳамда партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари томонидан мамлакатимизда фуқаро-ларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, қону-ний манфаатларини таъминлаш борасида бар-ча йўналишларида изчил ва тизимли сиёсат амалга оширилаётганини айтиб ўтиш жоиздир. Жумладан, мустақиллик йилларида инсон-нинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъмин-лашга доир 8 та конституциявий қонун, 15 та кодекс ва 600 дан ортиқ қонун қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилишида мамлакат парламен-тига партиямиздан сайланган депутатларнинг ҳам бевосита иштироки бор.

Олий Мажлис томонидан қарийб беш йил-дан буён бандлик бўйича ҳар йили алоҳида дастур қабул қилиниб, унинг ижроси таъмин-лаб келинмоқда. Жорий йилда қабул қилинган дастурининг ижроси бўйича парламент назора-тини амалга оширишда давлатимиз раҳбари-нинг бу борадаги талаблари устувор аҳамиятга эгадир. Бу борада биз, “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоларидан, айниқса, изчил фаоллик талаб этилади.

Нега деганда, Конституциямизнинг 37-мод-дасида белгиланганидек: “Ҳар бир шахс меҳ-нат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳ-нат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсат-тилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”. Демак, фуқароларимизни, шу жумладан, янги касб-хунар эгаллаётган ёшларимизни иш билан таъминлаш — бу бевос-ита инсон ҳуқуқларини таъминлашга киради. Бу, ўз навбатида, наинки иқтисодий, ижтимо-ий, ҳуқуқий, айни чоғда, маънавий аҳамиятга молик масаладир.

2014 ЙИЛ — “СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ”

Мустақиллик йилларида халқимизнинг шаън-шавкاتини улуғлайдиган, гурурига гурур қўшадиган ва асрий орузлари рўёбга чиқиши-га замин яратадиган қўпдан-қўп хайрли юмуш-лар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, ҳар қандай инсоннинг мўътабар орузси, астойдил интилган асосий мақсади — соғлом бола, соғ-лом насл, баркамол авлод, қомил инсонни вояга етказишдан иборат, деган масъулият психологияси жамаиятимизда қайта қарор топ-ди. Бугун барча эзгу ишларимиз бошида эл-юрт келажакига бевосита дахлдор ана шу ма-сала турибди.

Президентимиз ташаббуси билан 2014 йил-нинг мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилингани замирида ҳам бу борадаги ислохотларимиз самарадорлигини наватдаги янги босқичга, янада юксак даражага кўтариш-дек қатъий мақсад мужассамдир. Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маро-симдаги маърузасида соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб-ўлғайиши билан боғлиқ энг муҳим омилар ва ҳал қилувчи ме-зонларга атрофлича тўхталди.

Бир сўз билан айтганда, соғлом бола йили-нинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида гап борар экан, “Фарзандлари соғлом юрт қудрат-ли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғ-лом бўлур” деган ҳукматли иборага алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Зотан, йигирма икки йиллик янги тарихи-мизда мустақилликка эришиб, Ўзбекистони-мизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, жаҳон майдонида муносиб обрў топишда, бошқа мезонларни инкор эт-маган ҳолда, Президентимиз таъкидлаганидек, энг муҳим омил — бу ҳам жисмоний, ҳам маъ-навий жиҳатдан соғлом, ҳеч қимдан кам бўлмас-дан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Вата-нимизнинг тақдири ва келажаги учун масъули-ятни ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаёт-

ган келажаги буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодимиздир.

Ана шу аён ҳақиқатни эл-юртимиз чукур англаб, юрагидан, қалбидан ўтказиб, кенг қўллаб-қувватламоқда. Бинобарин, Конститу-циямиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳамжамятида “ўзбек модели” деб ном қозонган, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақад-дар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқ-лаб бермоқда.

Соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимо-ий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири бор. Шу нуктаи назардан қараганда, “Соғлом бола йили”да маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия маса-лалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла пос-бонларининг масъулияти янада ортади. Зотан, фуқаролик жамаиятининг ноёб ва бетакрор мил-лий демократик институти бўлмиш маҳаллалар фақат бизнинг халқимиз турмуш тарзига, жа-мийямиз ҳаётигагина хос миллий демократия мактабидир.

МАҲАЛЛА — ДЕМОКРАТИЯ ДАРСҲОНАСИ

Маҳаллалар қадимдан юртимизда тарбия ўчоғи, эзгулик бешиғи, урф-одатлар, аънава қадриятлар эъозланадиган халқчил мас-кан сифатида эътироф этиб келинади. Бино-барин, маҳалла инсонни жамяят билан бир-га яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялай-диган бекиёс ижтимоий макондир.

Бу ҳақда сўз борар экан, 2013 йил ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизда фуқаро-лар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтга-ни хусусида қисқача тўхталиш ўринли, деб ҳисоблаймиз. Ушбу сайловларда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозим-ларига 32292 нафар номзод, яъни бир ўринга ўрта ҳисобда 3,3 номзод кўрсатилди. Шу тари-қа 194 та шаҳарча, 1293 та қишлоқ, 157 та овул, 8112 та маҳаллада сайлов муқобилили асосида бўлиб ўтди.

Йиғинларнинг раислари этиб сайланган 9756 нафар фуқаронинг 5473 нафари, яъни 56,1 фоиз олий маълумотга эга бўлиб, асосан педагоглар, иқтисодчилар, муҳандислардан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси (82,8 фоиз), Қашқадарё вилояти (79,7 фоиз) ва Тошк-ент шаҳри (75,4 фоиз) олий маълумотли йи-ғинлар раисларини сайлаш бўйича энг яхши кўрсаткичларни намоян этди.

Бунинг аҳамияти шундаки, олий маълумот-ли маҳалла оқсоқоли, авваламбор, ислохот-ларнинг бугунги босқичи талабаларини чукур англашда, зиммасига юкланган масъулияти вази-фаларини тўлақонли бажаришда, маҳалла ахли ўртасида зарур тарғибот-тушунтириш иш-ларини таъсирчан ва самарали тарзда олиб боришда муайян тажрибга эгадир.

Бу галги сайловларда сайланган маҳалла раисларининг 1310 нафари (13,4 фоизи) хотин-қизлар бўлиб, ушбу кўрсаткичининг сай-ловдан-сайловга ўсиб бораётгани диққатга сазовордир. Хусусан, раис этиб сайланган хотин-қизлар 2006 йилда 9,9 фоизни, 2008 йилда 11,5 фоизни, 2011 йилда эса 12,7 фоизни ташкил этган.

Андижон вилояти (22,7 фоиз), Наманган вилояти (19,0 фоиз), Тошкент шаҳри (18,7 фоиз), Бухоро вилояти (16,4 фоиз) ва Тошкент вилояти (16,0 фоиз) каби айрим минтақаларда фуқаролар йиғинлари раислари этиб сайлан-ган хотин-қизлар сони мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқори экани ҳам эъти-борни тортди.

Шунингдек, сайловларда фуқаролар йиғин-лари раисларининг (оқсоқолларининг) 99 минг 618 нафар маслаҳатчиси сайланди. Уларнинг 44 минг 428 нафари (44,6 фоизи) олий маълум-отли бўлса, 30 минг 665 нафари (30,8 фоизи) хотин-қизлардир.

Бу сайловларда фуқаролар йиғинлари ра-ислари (оқсоқоллари) таркиби анча ўзгарди, яъни улардан 46,6 фоизи ушбу лавозимга биринчи марта сайланди. Маслаҳатчилар ўрта-сида бу кўрсаткич 22,7 фоизни ташкил этди.

2013 йилда 47 та тақрорий сайлов ўтказил-ди. Бу кўрсаткичининг ўтган галги сайловлар-даги кўрсаткичларга нисбатан кескин қайта-гани тегишли тайёргарлик ишлари самарали бўлганидан далолат беради. Энг муҳими, жа-моатчилик вакилларининг сайлов жараёнида кенг иштирок этгани ошкоралик, муқобилик ва тенг сайлов ҳуқуқини таъминлади. Сайлов-лар фуқароларнинг сиёсий фаоллиги янада ошганини намойиш қилди.

Аслида ҳам, истиқлол йилларида одамла-римизнинг дунёқараши ва кайфияти, фикру зикри, уларнинг ҳаётда, ўз меҳнати натижаси-га муносабати тубдан ўзгарди, граждонлик ва сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти юксалиб бо-раётди. Бинобарин, мамлакатимизда замона-вий демократик жамяят қарор толмақда ва изчил ривожланоқда. Иқтисодиётимиз бар-қарор суръатлар билан ўсмоқда. Ватанимиз-нинг халқаро майдондаги обрў-эътибори то-бора ортиб бормоқда.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқол-лари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунлари шуни кўрсатадики, мамлакатимизда аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳла-ри мафзаатларини ифодаловчи, юртимизда шаклланаётган очиқ фуқаролик жамаиятининг асосий институтлари нуфузи ҳамда таъсирини кучайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўз галида, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамаиятига” ўтиш жараёни ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асосда, Конституция усту-ворлиги тамойилига мувофиқ равишда ке-чмоғи даркор.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САРИ

Истиқлол йилларида мамлакатимизни де-мократик янгилаш жараёнида фуқаролик ин-ститутиларнинг роли ва аҳамиятини кучайти-ришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқти-содий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилин-гани диққат сазовордир.

Кейинги йилларда фуқаролик жамаияти ин-ституллари тизимида нодавлат нотижорат таш-

килотларининг нафқат сонини ошириш, бал-ки уларнинг ўрни ва аҳамиятини тобора кучай-тириш, фаолиятини изчил ривожлантириш, мустақил иш юритиши ва чинакам мустақил-лигини таъминлашга қаратилган “Нодавлат но-тижорат ташкилотлари фаолиятининг қафо-латлари тўғрисида”ги, шунингдек, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Ҳомийлик тўғриси-да”ги қонунларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Шу ўринда Президентимиз ташаббуси бил-лан Олий Мажлис томонидан 2010 йил ноябрь ойда қабул қилинган Мамлакатимизда демок-ратик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш концеп-цияси ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга муво-фиқдир. Чунки ўз моҳият эътиборига қўра узоқ муддатга мўлжалланган миллий стратегик дас-тур ҳисобланувчи ушбу Концепция юртимизда амалга оширилаётган демократик янгилашни ва модернизация жараёнларининг қонуний ҳамда мантиқий давомидир.

Концепцияда бугунги глобаллашув замони-да, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бир шароитда ўзаро узвий боғлиқ бўлган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақил-лигини, сўз ва ахборот эркинлигини, сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини та-комиллаштириш, фуқаролик жамаиятини ривож-лантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган.

Мамлакатимизда фуқаролик жамаиятини ривожлантиришда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Но-давлат нотижорат ташкилотларини, фуқаро-лик жамаиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тади-бирлари тўғрисида»ги қўшма қарори алоҳи-да аҳамиятга эга бўлди.

Ўз навбатида, Олий Мажлис ҳузурида Но-давлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамаиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу Жамоат фонди маблағларини бошқарадиган, таркиби-га ваколатли вакиллари билан бирга депутат-лар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходим-лари кирган Парламент комиссиясининг таш-кил қилингани ва самарали фаолият олиб бо-раётгани эътиборга сазовордир.

Парламент комиссиясининг фаолияти «учинчи сектор» деб ном олган фуқаролик жамаияти институтларини қўллаб-қувватлаш-га давлат бюджетидан ажратилган молия-вий маблағларни янада очик, ошқорча, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имконини бермоқда.

Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан грантлар бўйича берилётган маб-лағлар миқдори сўнгги уч йилда 2 баробар кўпайди. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилот-лари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга самара-ли таъсир кўрсатмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг яқинда, 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган “Фуқаролик жамаияти институтлари-ни ривожлантиришга қўмаклашиш борасида-ги қўшима чора-тадбирлар тўғрисида”ги қаро-ри нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқа-ролик жамаияти бошқа институтларининг ижтимо-ий, социал-иқтисодий фаолиятини янада оширишга қаратилгани билан алоҳида эъти-борга молиқдир.

Жумладан, 2014 йилнинг 1 январидан нода-ват нотижорат ташкилотларини давлат рўйхати-дан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи миқдори 5 баравар, уларнинг размаларини дав-лат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимлар миқдори 2,5 баравар қамайтирилди. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатлари-ни шу вақтгача амалда бўлган икки ой ўрнига, эндиликда бир ой муддатда қўриб қилилади.

Қарорда белгиланганидек, юридик шахс-лар олти ой мобайнида банк ҳисоб вақаракли бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда уларни тугатиш учун асос бўлишини назарда туттуви Ўзбекистон Рес-публикаси Фуқаролик кодексининг 53-модда-си қондиси нодавлат нотижорат ташкилотла-рига жорий этилмайди.

Шу каби ана бир қатор имтиёз ва энгиллик-лар, тақомиллаштирилган ва соддалаштирил-ган ташкилий-ҳуқуқий механизм ва тартиб-таомиллар асосида нодавлат нотижорат таш-килотлари тизимини кенг ривожлантириш, ўз навбатида, мамлакатимизни демократик ян-гилаш ва модернизациялаш бўйича ислохот-ларни амалга оширишда маъруз тизимининг роли ва аҳамиятини тубдан кучайтиришга хиз-мат қилади.

Бугунги кунда фуқаролик жамаияти инсти-туллари Ўзбекистонда демократик қадрият-лар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қону-ний мафзаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим оми-лга айланоқда.

Биргина нодавлат нотижорат ташкилотла-ри мисолида олиб қарайдиган бўлсак, бу ту-зилмалар соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандлиқни таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам-ларини, айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича дастурларни амалга оширишга, шунингдек, ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш жараёнига кенг жалб қилинмоқда.

Кези келганда, биз, депутатлар ҳам сай-ловчиларимизнинг ана шундай юксак рағбати ва фаоллигига янада мустаҳкам таяниб иш олиб боришимиз зарурлигини алоҳида таъ-кидлашни истардим. Жумладан, халқ ноибла-ри эл-юртимизнинг шаъни ва қадр-қимматига, ҳалол меҳнати самараларига эса соладиган айрим хорижий оммавий ахборот воситалари-даги чиқишларга нисбатан муросаси бўлиши даркор. Биз бу каби ҳар бир салбий чиқишга қарши қатъий муносабат билдириб бориши-миз шарт, деб ҳисоблайман.

Президентимиз таъбири билан айтганда, ўтган йил якунлари бўйича муктасар хулоса шунки: Ўзбекистон эришган юксак натижалар халқи-мизга мамнуният бағишламоқда, ўз навбатида, теран ислохотларимиз самараларини бутун жа-ҳон тан олмақда, бизга хайрат ва ҳавас қўзи билан қарамқда.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик пал

“Ўзбекистон ҳаво йўллари”: юксак марралар, салмоқли натижалар

Тошкентда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг истиқлол йилларида эришган ютуқлари, 2013 йилги фаолияти натижалари ва истиқболдаги вазифаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Айни пайтда дунёда турли даражадаги 1300 дан зиёд давлат ва хусусий авиакомпания мавжуд бўлиб, улар ҳар йили бир миллиард нафардан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг фармониغا биноан 1992 йил 28 январда ташкил этилган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳам улар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Мустақил тараққиётимизнинг 22 йили давомида миллий авиакомпаниямиз жаҳон авиабозоридagi кескин рақобат шароитида йўловчиларга хавфсиз ва қулай хизмат кўрсатадиган барқарор, жадал ривожланиб бораётган авиаташувчи эканини исботлади. Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётлари Осиё, Америка ва Европанинг қирқдан зиёд шахрига парвоз қилмоқда. Ушбу мамлакатларга саёхатга бораётган юртдошларимиз ўша ўлкалардаги аэропортларда Ўзбекистон давлат рамзи ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси белгиси туширилган замонавий самолётларни кўрганда, албатта, қалби фахр-ифтихорга тўлади. Матбуот анжуманида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори В.Тян 2013 йилда авиакомпания томонидан 24,5 мингта рейс амалга оширилиб, 2,6 миллион нафардан ортиқ йўловчи ва 41 минг тонна юк ташилганини маълум қилди. У компания эришган ва эришаётган муваффақиятлар технология паркни модернизация қилиш, Фарбда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган лайнерларга техник хизмат кўрсатиш базасини ривожлантириш, ерусти инфратузилмасини такомиллаштириш, ҳаво



ҳаракатини бошқариш тизимини ислоҳ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича базани шакллантиришга қаратилган аниқ мақсадли ҳамда серкйрра фаолият самараси эканини таъкидлади. Компания авиапарки замонавий лайнерлар билан босқичма-босқич янгиланб борилмоқда. Сўнгги уч йилда авиакомпания паркни Европада ишлаб чиқарилган ўнта «Airbus A-320» ва Америкада ишлаб чиқарилган тўртта «Boeing 767-300-ER» самолётлари билан тўлдирилди. Хорижий мамлакатларга парвозларнинг деярли барчаси, шунингдек, ички авиапараларнинг бир қисми шу самолётлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Таъкидлаш жоизки, 2016 йилда юксак даражадаги қулайликларга эга иккита «Boeing 787 Dreamliner» самолёти келтирилиши кўзда тутилмоқда. Бу лайнерлар мамлакатимиз авиаташиш бозорини ривожлантириш тарихида янги саҳифа очиб беради. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси мутахассисларининг маълум қилишича, айни пайтда ушбу самолётларни ишлаб чиқарадиган завод вакиллари билан уларни маҳсус учиш, муҳандислик-техник ва сервис усқуналар билан

жиҳозлаш бўйича маслаҳатлар олиб борилмоқда. Маълумки, янги русумдаги самолётлардан фойдаланиш ерусти техника базасини янгиллаш, хусусан, аэропортлар инфратузилмасини такомиллаштиришни талаб этади. Мамлакатимиз аэропортларида парвозлар сифати ва хавфсизлигини, йўловчилар ва авиация техникасига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Учиш-қўниш йўллари реконструкция қилинди, аэровокзал комплексларининг ташки қўрилиши деярли тўлиқ янгиланди, йўловчи терминаллари сони кўпайтирилиб, хизмат кўрсатиш технологияси яхшиланди. Пойтахтимиздаги «Тошкент» халқаро аэропорти ҳақли равишда Марказий Осиёдаги энг йирик аэропорт ҳисобланади. Бу ерда бир неча йил аввал маҳаллий ҳаво линияларида бир соатда 400 йўловчига хизмат кўрсатадиган янги аэровокзал барпо этилди. Халқаро авиаташишлар терминалида авиайўловчилар учун янги ва шинам блок фойдаланишга топширилди. Овқатланиш хонаси, юқори даражада қулайликларга эга бизнес-зал, она ва бола хонаси, тиббиёт пункти, «Duty-free» дўкони, бўш

вақтни мароқли ўтказиш учун бепул Wi-Fi компьютер зали йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида аэропортнинг VIP ва CIP залларини капитал таъмирлаш кўзда тутилмоқда. «Навоий» ва «Бухоро» аэропортларида бир неча йилдан буён барча қулайликларга эга ва юқори технологияли усқуналар билан жиҳозланган янги йўловчи терминаллари самарали фаолият кўрсатмоқда. «Урганч» ва «Фарғона» аэровокзалларида реконструкция ишлари жадал давом этаётир. «Навоий» аэропорти базасидаги Интермодаль логистика марказининг ишлаб чиқариш қуввати оширилмоқда. Бу ерда ўтган йили 25 минг тонна юк ташилди. Матбуот анжуманида аэропортлар инфратузилмасини ривожлантиришга оид амалга оширилган ушбу чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиздаги 12 аэропортга халқаро мақом берилгани таъкидланди. Парвозлар хавфсизлиги ва мураккаб авиация техникасидан фойдаланишга нисбатан халқаро талаблар ҳаво қатновини бошқариш бўйича янги тизим жорий этишни назарда тутди. «Тошкент» халқаро аэропортида фаолият кўрса-

таётган автоматлаштирилган Ҳаво ҳаракатини бошқариш маркази халқаро стандартларга мос замонавий диспетчерлик ва навигация тизимлари билан жиҳозланган. «Ўзаэронавигация» маркази Ўзбекистон ҳаво кенглигида парвоз қиладиган самолётлар ҳаракатини бошқариш, янги ҳаво йўналишларини ташкил этиш имконини бераётир. Йўлдош алоқа тизими эса ҳаво кенглигидаги вазиятни кузатишга қўмаклашмоқда. Лайнерларга техник хизмат кўрсатиш базасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилаетир. Бугун «Uzbekistan Airways Technics» корхонасида нафақат «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, балки хорижий авиакомпаниялар самолётларига ҳам барча турдаги техник ва таъмирлаш хизматлари кўрсатиш учун замонавий техник база ҳамда юқори малакали ходимлар мавжуд. Бунга жаҳондаги етакчи компаниялар билан ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлик натижасида эришилмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси замонавий самолётлар билан таъминланиш, парвозлар хавфсизлиги даражаси, авиация техникасига хизмат кўрсатиш бўйича МДҲда энг яхши компаниялардан биридир. 1997 йил миллий авиакомпаниямиз Халқаро авиация хавфсизлиги фондининг «Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш» соҳасидаги юксак хизматлари учун дипломи, 2000 йилда парвозлар хавфсизлиги учун фахрий ёрлиги, 2005 йилда Жаҳон хавфсизлик фонди президентининг «Парвозлар хавфсизлиги соҳасидаги ютуқлари учун» фахрий дипломи, «Боинг» корпорациясининг ушбу русумдаги самолётлардан 10 йил фойдаланиш борасида эришган «Парвозлар хавфсизлиги ва ишончилигининг юқори кўрсаткичлари учун» эсдалик белгисига сазовор бўлган. 2009 йилда эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпания хавфсизлиги ва ишончилигини тасдиқлайдиган «IOSA» аудитидан муваффақиятли ўтди. 2012 йилда авиаташишлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ютуқлари учун Халқаро парвозлар хавфсизлиги фондининг дипломи билан тақдирланди. Матбуот анжуманида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан рақамли атрафлича жавоб қайтарилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Рангин дунё

Бетакрор осори атиқа неча асрлардан буён инсониятни ҳайратга солишда давом этиб келмоқда. Авлиё София ибодатхонаси бугунги кунда наинки турк, балки дунё халқларининг ҳам умумий мулкига айланиб улгурди. Ибодатхона сўлим ва мафтункор Истанбулнинг тарихий қисмида жойлашган. Унинг муҳташам гўмбазли шаҳарининг исталган қисмидан кўриниб туради.

Тарихий манбаларда келтирилишича, ибодатхона уч марта бунёд этилган. Унинг энг дастлабкиси милдий 324-337 йилларда император Константин томонидан қурилган. Аммо, 404 йилги халқ кўзғолани ва 414 йилда рўй берган ёнғин сабаб ибодатхона буткул ёниб кетди. 416 йилда эса император Феодосий буйруғи билан унинг ўрнига янги ибодатхона қад ростланди. Бироқ, 532 йили ибодатхона яна ўтқаёрида қолади. Шундан сўнг, император Юстиниан черковни қайта бунёд этишга бел боғлайди. Вайронага айланган черков қурилиши орадан 39 кун ўтгач, бошлаб юборилади. Рим ибодатхонаси услубида қурилган иншоотнинг асоси 76х67 метр бўлиб, марказий майдон тўртбурчак шаклга эга. Иншоот баландлиги 55, гўмбазининг диаметри эса 31 метрни ташкил этади. Гўмбазни баҳайбат устунлар кўтариб туради. Обиданинг шарқий ва ғарбий қисмида кириш-чиқиш учун мўлжалланган гўмбазсимон айвонлар ҳам мавжуд. Юстиниан даврида ибодатхонанинг кириш қисми қимматбаҳо тошлар билан безалган. Ушанда император ибодатхонани бошдан-оёқ олтинга бурқашни мақсад қилди. Бироқ, сарой мунажжимлари ундан кейинги ҳукмдорлар анча ғариблашиб қолиши босис, келажакда унинг олтин саройидан бир донга ҳам гишт қолмаслигини айтишади. Император мунажжимлар гапига кириб, ибо-

датхонани безашда ортиқча дабдаба берилмайди. Тарихчиларнинг ёзишича, ўшанда 16 квадратли тилла нақшлар ибодатхона пештоқларидан нур сочиб турган. Иншоотнинг пол қисми, устун ва деворларини безашда ранг-баранг мрамар нақшлардан ҳам кенг фойдаланилган. Қурилиш ишлари 6 йил деганда ниҳоясига етказилади. 558 йили рўй берган қучли зилзилалар натижасида ибодатхона жиддий зарар кўради. Илк меъморлар Антемий ҳамда Исодорий вафот этгач, иншоотни қайта таъмирлаш вазифаси унинг хиянига топширилади. Шундан сўнг, ёдгорлик яна 400 йил умр кўрди. 1204 йилги тўртинчи салб юриши чоғида жангчилар Византия империяси пойтахтига бостириб кирдилар. Шаҳар ва унинг ибодатхонаси беаёв талон-тарож қилинди. Тарихчилар бу воқеани дунё яралганидан бери содир бўлган энг мудҳиш талон-тарожлик сифатида қайд этиб ўтишган. Салб босқини тугагач, ибодатхонанинг аввалги шон-шухратида асар ҳам қолмаганди. 1453 йили Фотиҳ Султон Муҳаммад II лашкар тўплаб, шаҳарни қамал қилади. 53 кунлик қамалдан сўнг Византия империясининг буюк пойтахти мағлубланиб сифатида фаолият кўрсатиб келган бу иншоот усмонли турклар тасарруфига ўтгач, унинг атрофида

Авлиё София ибодатхонаси



яна тўртта минора барпо этилади. Шундан сўнг, ибодатхона Авлиё София масжидига айлантирилди. Бинонинг қибла тарафига нақшинкор меҳроб қурилди. Миноранинг устки қисмига ислом рамзи сифатида тилла ва бронзадан ишланган ярим ой ўрнатилади. Иншоот шифти, шунингдек, деворлари оқ ва пуштиранг мрамар билан қопланиб, мозаика, антиқа тош ва сопол каби ашёлардан кенг фойдаланилади. Қолаверса, Авлиё София узоқ йиллар давомида диний билим эгалламоқчи бўлган ёшлар учун мадраса вазифасини ҳам ўтайди. 1931 йили Туркия ҳукуматининг руҳсати билан америкалик олим Т.Виттемор ибодатхонани қайта таъмирлашга киришади. У оҳак

ёрдамида суваб ташланган рангли расм ва мозаикаларни асл ҳолига қайтаришга муваффақ бўлди. Энг қизиги, оҳак қадимги фреска ва мозаикаларга заррача бўлсин зиён келтирмаган. Аксинча уларнинг бизгача бус-бутун етиб келишини таъминлаган. Ибодатхона авлиё София деб бежиз номланмаган. Чунки, бу ерда мисдан ишланган сирли устун бор. Айтишларича, қимда ким шу устунга қўлини қўйиб, намликни ҳис қилиши билан дилидаги ниятини айтса, албатта, ижобат бўларкан. Бундан ташқари, ибодатхонанинг “совуқдарча”си бўлиб, ундан қишин-ёзин салқин ҳаво эсиб туради. Авлиё София каби ибодатхоналар дунёда бор-йўғи тўртта. Бироқ, ҳеч бири унингдек қадимий эмас.

1935 йили Отатурк имзо чеккан декретга асосан ибодатхона музейга айлантирилди. Айни пайтда музей-ибодатхона энг кўп хорижлик сайёҳлар ташриф буюрадиган диққатга сазовор жойлар сирасига киради. Бу ерда Туркия тарихининг турли даврларига мансуб нодир экспонатлар, тарихий буюм, қўлёзма, бебаҳо ҳужжат ва бошқа қўлаб санъат асарларини урчатиш мумкин. Византия империясининг олтин асрига тегишли Авлиё София ибодатхонаси ҳам Истанбулнинг тарихий марказидан жой олган бир қатор тарихий иншоотлар каби 1985 йили ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Зафар МУҲАММАД

Эълонлар

“UNIVERSAL AUKTSION INVEST” МЧЖ Сирдарё вилоят филиали томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади !
I. Суд Департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари бўлимлари томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда:
Ширин шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан:
1. “BA3-2101” русумли, д/б бўлмаган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, Ширин шаҳар СИБ ҳовлисида сақланаётган носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 2 335 058 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 7 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.
Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан:
1. ГБА “ЭПИКА” СПГ русумли, д/б 20 122 ЕАА бўлган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, Гулистон шаҳар Нарцисс Сервис Савдо МЧЖ омборида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт. Бошланғич баҳоси — 39 883 518 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 7 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади, нархи сунъий равишда кўтарилиб сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2014 йил 18 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.
Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан:
1. “НЕКСИЯ” русумли, д/б 01 Т 639 DA бўлган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, Гулистон шаҳар ИИБ ИХХБ жарима майдонида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 26 250 000 сўм.
2. “НЕКСИЯ” русумли, д/б 01 М 075 NA бўлган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, Гулистон шаҳар Нарцисс Сервис Савдо МЧЖ омборида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 29 100 000 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 25 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади, нархи сунъий равишда кўтарилиб сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2014 йил 7 март куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.
Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади, охириг муддатти: бир кун қолганда тўхтатилади.
Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар “Савдо ташкилотчиси” билан тузиладиган закатал келишуви-га асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини ҳар бир мулк учун алоҳида автотототранспорт воситасининг номи, давлат белгилари, кўрсатилган ҳолда “UNIVERSAL AUKTSION INVEST” МЧЖ Сирдарё вилоят филиалининг ОАТ “Турон” банк ОАЖ Сирдарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: X-Р: 2020 8000 2049 3216 8027, МФО: 00368.
Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, Мустақиллик кўчаси 35-й 1-қаavat, телефон: 235-03-58. Хизматлар лицензияланган: № 004059 2011 йил 18 август.
“UNIVERSAL AUKTSION INVEST” МЧЖ Сирдарё вилоят филиали томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!
I. Суд Департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари бўлимлари томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда:
Сирдарё туман суд ижрочилари бўлими томонидан:
1. “НЕКСИЯ-ДОНС” русумли, д/б 20 395 ЕАА бўлган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, Сирдарё туман Биллур Афросиёб СХКК омборида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 25 524 815 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 18 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Нархи сунъий равишда кўтарилиб сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2014 йил 25 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.
Сирдарё туман суд ижрочилари бўлими томонидан:
1. “DAMAS-VAN” русумли, д/б 20 885 ЕАА бўлган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, Сирдарё туман “Камаристон Нон” шўъба корхонасида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 19 244 128 сўм.
2. “TICO” русумли, д/б 20 497 САА бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, Сирдарё туман Биллур Афросиёб СХКК омборида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 2 154 260 сўм.
3. ГБА “НЕКСИЯ-GL” СПГ русумли, д/б 20 057 ЕАА бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, Сирдарё туман Бахт ПТЗ омборида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 14 164 298 сўм.
4. ГБА “DAMAS-DLX” СПГ русумли, д/б 20 056 ЕАА бўлган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, Сирдарё туман Бахт ПТЗ омборида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 12 407 614 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 28 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади, нархи сунъий равишда кўтарилиб сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2014 йил 11 март куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.
Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади. Охириги муддатти: бир кун қолганда тўхтатилади.
Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар “Савдо ташкилотчиси” билан тузиладиган закатал келишуви-га асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини ҳар бир мулк учун алоҳида автотототранспорт воситасининг номи, давлат белгилари, кўрсатилган ҳолда “UNIVERSAL AUKTSION INVEST” МЧЖ Сирдарё вилоят филиалининг ОАТ “Турон” банк ОАЖ Сирдарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: X-Р: 2020 8000 2049 3216 8027, МФО: 00368.
Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, Мустақиллик кўчаси 35-й В-корпус, 4-қаavat, 7-хона, телефон: 235-03-58. Хизматлар лицензияланган: № 004059 2011 йил 18 август.

Баш мухбир уринбосари: Исмаил ХУДОБЕРОВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темуր кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
 Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Кабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
 Бос мухбир уринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
 Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-2
 «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
 Қорхона манзили: «Буюк Тўрпоқ» кўчаси. 41-уй.